



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ЭШИТИШ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ТАРҚАЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ
МАЪЛУМОТЛАР(АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ)**



Хужабаева Гулираъно Эржабаевна

Урганч давлат тиббиёт институти (Магистр)

Емаил: Xujabayevag@gmail.com

Orcid:0009-0003-7510-4728

УДК:616.28-053.2

Тел ракам:+998978561507

Илмий раҳбар: **Абдуллаев Ибадулла Кочкарович**

Урганч давлат тиббиёт институти(Урганч, Ўзбекистон)

Orcid:0009-0008-1296-5228

Тел ракам: +998995642061

Аннотация. Ушбу мақолада мактаб ёшидаги болаларда эшитиш аъзолари касалликларининг тарқалиши ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларида мактаб ёшидаги болаларда эшитиш аъзолари касалликларининг этиологик омиллари, клиник кўринишлари ва тарқалиш даражаси таҳлил қилинган. Эшитиш аъзоси касалликларининг ўз вақтида аниқланмаслиги болаларнинг нутқ ривожланиши, ўқув фаолияти ва ижтимоий мослашувига салбий таъсир кўрсатиши ўрганилган. Мақолада мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган энг кўп тарқалган эшитиш аъзолари касалликлари, уларнинг ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари ва профилактика чора-тадбирлари батафсил баён этилган. Тадқиқот натижалари мактаб ёшидаги болаларда эшитиш аъзолари касалликларини эрта аниқлаш ва даволашнинг аҳамияти ҳамда бу борада тизимли тиббий кўрикларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: мактаб ёшидаги болалар, эшитиш аъзолари касалликлари, эпидемиология, тарқалиш, отит, эшитишнинг пасайиши, профилактика, диагностика, болалар отоларингологияси, тиббий кўрик.

**SOME DATA ON THE SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE PREVALENCE OF
EAR DISEASES IN SCHOOL-AGE CHILDREN**

Khujabaeva Gulirano Erkabaevna

Urgench State Medical Institute (Master students)

Email:Xujabayevag@gmail.com

Orcid:0009-0003-7510-4728

УДК:616.28-053.2

Phone nomer:+998978561507

Scientific Supervisor: Abdullaev Ibadulla Kuchkarovich

Urgench State Medical Institute (Urgench, Uzbekistan)

Orcid:0009-0008-1296-5228



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Phone nomer:+998995642061

Abstract. This article examines the prevalence and specific characteristics of hearing organ diseases in school-age children. The research results analyze the etiological factors, clinical manifestations, and prevalence rates of hearing organ diseases in school-age children. It has been demonstrated that delayed diagnosis of hearing organ diseases negatively affects children's speech development, academic performance, and social adaptation. The article provides a detailed description of the most common hearing organ diseases occurring in school-age children, risk factors contributing to their development, and preventive measures. The research findings emphasize the importance of early detection and treatment of hearing organ diseases in school-age children and the necessity of organizing systematic medical examinations in this regard.

Keywords: school-age children, hearing organ diseases, epidemiology, prevalence, otitis, hearing loss, prevention, diagnostics, pediatric otolaryngology, medical examination.

**НЕКОТОРЫЕ СВЕДЕНИЯ ОБ ОСОБЕННОСТЯХ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ
ЗАБОЛЕВАНИЙ ОРГАНОВ СЛУХА У ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА**

Хужабаева Гулирано Эркабаевна
Ургенчский государственный медицинский институт (Магистр)
E-mail: Xujabayevag@gmail.com
Orcid:0009-0003-7510-4728
УДК:616.28-053.2
Номер телефона:+998978561507
Научный руководитель: Абдуллаев Ибадулла Кочкарович
Orcid:0009-0008-1296-5228
Номер телефона:+998995642061

Ургенчский государственный медицинский институт (Ургенч, Узбекистан)

Аннотация. В данной статье исследованы распространенность и специфические особенности заболеваний органов слуха у детей школьного возраста. В результатах исследования проанализированы этиологические факторы, клинические проявления и уровень распространенности заболеваний органов слуха у детей школьного возраста. Выявлено, что несвоевременное выявление заболеваний органов слуха оказывает негативное влияние на развитие речи детей, учебную деятельность и социальную адаптацию. В статье подробно изложены наиболее распространенные заболевания органов слуха, встречающиеся у детей школьного возраста, факторы риска, приводящие к их развитию, и профилактические мероприятия. Результаты исследования показали важность раннего выявления и лечения заболеваний органов слуха у детей школьного возраста, а также необходимость организации систематических медицинских осмотров в данном направлении.

Ключевые слова: дети школьного возраста, заболевания органов слуха, эпидемиология, распространенность, отит, снижение слуха, профилактика, диагностика, детская оториноларингология, медицинский осмотр.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Мавзунинг долзарблиги. Мактаб ёшидаги болалар орасида эшитиш аъзолари касалликларининг кейинги йилларда кенг тарқалиши, уларда айниқса ўқиш ва ўқитиш жараёнларига сезиларли салбий таъсир қилувча асосий омиллардан бири саналади. Эътиборли жиҳати шундаки, касалликларнинг сўнгги йилларда қўл телефонлари, кулоқчинлар ва бошқа баланд овозда мусиқалар қўйиладиган тадбирларда кўпроқ иштирок қиладиган болалар орасида кенг тарқалиши, айниқса эшитиш пасайиши (тугоухость) ҳолатининг ошиб бориши билан намоён бўлаётганини кўриш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотиغا қараганда Ер қуррасида 5% аҳоли, яъни 360 миллион одам эшитиш пасайишининг у ёки бу даражасидан азият чекишлари қайд этилади. Маълумотларга қараганда яқин ўн йилликларда эшитишнинг бузилиши 30 % га етиши айтилиши билан бир вақтда, кейинги 20 йилда эшитишнинг пасайиш даражаси яна 6%га ошганлиги айтилади ва шундан кулоқ битиши 75-95% ни ташкил этиши таъкидланади. У.И.Нуров ва С.Ш.Файзиевларнинг (2024) таъкидлашларича ҳар 1000 туғилган гўдақлардан биттасида аниқ кўзга ташланадиган кулоқ битиши кузатилади. Шу билан бирга баъзи адабиётларда 82% янги туғилган чақалоқларда ва эрта ёшдаги болаларда эшитишнинг бузилиши кузатилади. Муаллифларнинг таъкидлашларича 1 ёшдан то 6-7 ёшгача болаларда эшитишнинг пасайишига кўпроқ вирусли инфекциялар ва аллергия касалликлар ҳам кўпроқ сабабчи бўлаётганлиги қайд этилади.

Бугун айниқса мактаб ёшидаги болалар орасида кулоқ битиши, қарлик касаллигининг кенг тарқалиши нафақат тиббий, балки катта ижтимоий-психологик муаммо бўлиб, биринчи галда болаларнинг тўлақонли ривожланишига, нутқининг ривожланишига, фанларни ўзлаштиришига, бошқалар билан ўзаро мулоқот қилишига ҳалақит қиладиган ҳолат саналади. С.С.Чибисова, И.Альшарджаби ва бошқаларнинг (2022) берган маълумотларига қараганда, бир ёки икки томонлама эшитишнинг пасайиши, кулоқ битиши 1,6% - 22,6% ни, Россиянинг ҳар хил ҳудудларида мактаб ўқувчилари орасида эшитишнинг бузилиши ва кулоқ касалликлари 15-195% ни, популяцион ўрганишларда эса 13,1% ни ташкил этиши келтирилади. Муаллифларнинг таъкидлашларича, эшитиш аъзолари касалликлари ичида нисбатан кўп тарқалаётган жами кулоқ касалликларига нисбатан ўрта отит 65%, сенсоневраль кулоқ битиши 32% ни, жумладан экссудатив ўрта отит 6% ни ташкил қилиб етакчи ўринларни эгаллаши кўрсатилади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади. Мактаб ёшидаги болалар орасида эшитиш аъзолари касалликларининг тарқалганлик даражаси ва унинг асосий сабабларига йўналтирилган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот материал ва услублари. Мактаб ёшидаги болалар орасида эшитиш аъзолари касалликларининг тарқалганлик даражаси ва унинг асосий сабабларига йўналтирилган мақолалар, тезислар, монографиялар ва бошқа турли илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиб баҳолашда асосан тавсифловчи усулдан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ўнлаб мамлакатларда амалга оширилган мазкур йўналишдаги адабиётларда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, айниқса кейинги йилларда дунёда ҳар хил электрон эшитиш мосламаларининг одамлар орасида, айниқса мактаб ёшидаги болалар орасида кенг тарқалиши ўлароқ эшитиш аъзолари касалликларининг тарқалганлик даражаси йил-йилдан ошиб бориши кузатилмоқда. Я.М.Сапожников, В.С.Минасян ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий хулосаларига қараганда эрта ёшли болаларда ўткир ўрта отит билан касалланиш барча кулоқ касалликларининг 25-70 % ини ташкил қилади, энг асосийси касалланиш даражаси пасайиш анъанасига эга эмас. Касалланишнинг энг юқори даражаси болаларда 6 -24 ойлик даврига тўғри келади. Болалар қанча ёш бўлсалар икки томонлама ўткир ўрта отит кузатилиши кўпроқ қайд этилади. Бир ёшгача бўлган болаларда 70-85 % и ва 1 ёшдан 3 ёшгача даврда 50-65 % и кузатилганлиги келтирилади. Муаллифларнинг хулосасига кўра болаларда ўз вақтида ташхисланмаган ўткир ўрта отит нутқининг ривожланишига, боланинг ижтимоий жиҳатдан



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

атроф-муҳитни англаши, умумий ривожланишига салбий таъсир қилади. Хиндистоннинг Алигарх Уттар Прадеш штатида ўтказилган ўрганишларга қараганда 17,5 % бошланғич синф болаларида эшитишнинг пасайиши кузатилган. Жумладан шаҳарда 13,5% ва қишлоқда 18,8% га тенг бўлганлиги қайд этилади. Беморларнинг 38,5% ини 8-10 ёшдагилар ва 36,4% ини 6-8 ёшдагилар ташкил қилган. Чандигардаги мактаб ўқувчиларининг 13,0% да, Хитойда эса 12-19 ёшли болаларда эшитишнинг пасайиши 1,86% ни ташкил қилган (Ashib Parvez, Abdur Razzaque Siddiui б. 2016).

З.М.Мирхайдарова, Э.Н.Ахмедова ва б.ларнинг (2009) илмий хулосаларига кўра, ўрганилган 429 нафар ўрта синф ўқувчиларнинг 39,8% да ҳар хил ЛОР органларининг касалликлари мавжудлиги аниқланган. ЛОР аъзолари касалликлари ичида энг кўп тарқалган касаллик бу экссудатив ўрта кулоқ отити эканлиги қайд этилган ва 14,4%га эшитишнинг пасайишига сабабчи бўлиши аниқланганлиги таъкидланади. Энг муҳими шундаки, касаллик аниқланган 12,1% мактаб ўқувчиларида экссудатив ўрта кулоқ отити латент характерга эга ва бу ҳолат фақатгина акустик импедансометрия ёрдамида аниқланганлиги айтилади. Муллифнинг таклифича ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикга айнан акустик импедансометрияни кўшиш орқали болаларда олдиндан эшитиш пасайиш ҳолатларини аниқлаш имконияти яратилади ва натижада болаларнинг ҳаёт сифати ва ўқиш жараёнида ўзлаштириш сифати яхшиланади. М.М.Мурадованинг(2023) фикрича болаларда кулоқ пардасининг кучланишига ёки ҳатто ёрилишига, натижада эшитиш қобилиятининг пасайишига кучли шовқин ҳужуми, баланд мусикалар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўрганилган адабиётлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мактаб ўқувчилари орасида эшитиш аъзолари касалликларининг кенг тарқалиши, кулоқ битиши ва эшитишнинг пасайиши, баъзи ҳолларда умуман эшитишнинг йўқолиш ҳолларининг асосий сабабларидан бири ўрта кулоқ отити касаллигининг кўп тарқалиши ва кучли шовқинли жойларда кўпроқ бўлиш, кулоқчинлардан нооқилона фойдаланиш сабабли юзага келаётганлиги қайд этилади. Шу боисдан ҳам мазкур мавзу бўйича илмий изланишларни амалга ошириш энг долзарб масалалардан бири саналади. О.Ю.Милушкина, В.И.Попов ва бошқаларнинг(2021) амалга оширган ўрганишлари шуни кўрсатадики, кулоқчинларни тақиб юриш давомийлиги кичик мактаб ёшидаги болаларда кунига 10 дақиқани, ўрта мактаб ёшидагиларда 2 соат атрофида, катта мактаб ёшидагиларда 2,5 соатни, талабаларда эса 2,6 соатни ташкил қилган. Дам олиш кунлари, каникулларда бу вақт яна ўртача 20 дақиқага ошган. Умуман олганда ўрганилганларнинг 79,0%и кунига 1-2 соатдан уяли электрон мослама – кулоқчин тақиб юрганликлари аниқланган. Кулоқчин тақиб юрганларнинг 57,2% кулоқчинларини ечгандан кейин ҳеч қандай ўзгаришни сезмаганлар, 13,0%и қониқиш ва тинчланганини айтганлар. Кулоқчин таққандан кейин кулоғида тиқилиш ва шовқинни 30 дақиқагача бўлган вақтда 4,5% ўқувчилар ва 10,8% талабалар сезганлар. Гаджетларни кўллаганларда 2 соат давомида юқоридаги шикоятлар 35,2% ўқувчилар ва 55,3% талабаларда кузатилган. Гаджетларни ечгандан кейин 15,6% болаларда кулоқ тиқилиши, 12,0%ида кулоғида шовқин, 44,7%и ўзида нокулайлик, ўрганилганлардан 10%и кулоқчин билан ухлаб қолганлар ва уларнинг 32,1%ида уйку бузилиши кузатилган. Энг кўп уйку бузилиши талабаларда кузатилган (46,0%). Нохуш психофилиологик ҳолатлар ҳафтасига 3-4 марта 41,0% ўрганилганларда, 1-2 марта 30,0% ўрганилганларда кузатилган. Ўртача кулоқ тиқилиши ва шовқин 23,% респондентларда кузатилиши аниқланган. 14% ўрганилганларда охириги йилда эшитишнинг пасайиши кузатилган.

И.В.Королеванинг(2020) келтирган маълумотларига қараганда Ер қуррасида 32 миллиондан ортиқ болаларнинг эшитишларида муаммолар бор. ҳар мингта болага камида 2-3 болада сезиларли даражада эшитиш пасайиши бор, 2-3 болада эшитишнинг пасайиши биринчи ёшида юзага келмоқда. Кулоқнинг тиқилиши 2% болаларда учрайди. Яна 8% болаларда эшитишнинг марказий бузилиши мавжуд, бу ўз навбатида эшитишдаги диққатнинг,



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

эшитишдаги хотира ва нутқнинг бузилиши ҳамда ўқишдаги қийинчиликлар билан намоён бўлади. Г.Абдуллаеванинг берган маълумотларига кўра болаларда эшитишнинг бузилиши айниқса иккиламчи унинг асоратлари билан хавфли саналади. Бунда уларда нутқ, мулоқот, тафаккур, диққат, хотира, хиссиёт жараёнларининг бузилишларида кузатилади ва юзага келади: долингвал қўлоқ битиши, боланинг туғилишидан бошлаб эшитмаслиги, бу болаларнинг гапириши жуда қийин кечади агар уларга кохлеар имплант ўрнатилмаса, перилингвал қўлоқ битиши – бу бир ёшдан 5 ёшгача даврда юзага келадиган карлик, буларда эшитишни йўқотгунга қадар ўзлаштирган нутқ тез сусайиб йўқолиши кузатилади. Агар бола эшитиш мосламасини кийиб сурдопедагоглар билан шуғулланса ўзлаштирилган нутқ сақланиб қолади ва ривожланиши мумкин; постлингвал қўлоқ битиши – бу каби болаларда олдин ўзлаштирилган нутқ сақланиб қолади ва гаплашадилар, ammo сизнинг гапларингизни лабларингизнинг ҳаракатидан ёки эшитиш мосламалари орқали қабул қилишлари таъкидланади. Муаллифнинг таъкидлашича эшитиш қоблияти пасайган болаларга таълим бериш куйидагилар асосида амалга ошириш тавсия этилади: махсус эшитиш мосламаларидан фойдаланиш, овоз кучайтириш мосламаларидан фойдаланиш, ёзма ва электрон материаллардан фойдаланиш, эшитиш ҳолатини назорат қилиш, кўргазмали ўқитиш, психопедагогик дарсларни ташкил қилиш, логопед ўқитувчилардан фойдаланиш, тўлақонли ижтимоий муҳитни яратиш, ҳар хил келишмовчиликларнинг олдини олиш, хиссиётли комфорт ҳолатни яратиш болаларда кейинчалик нутқнинг ривожланишини самарали таъминлайди. Туфатулин Г.Ш. ва И.В.Королеваларнинг(2022) амалга оширган тадқиқот натижаларининг тахлиллари шуни кўрсатадики, болаларда эшитиш аъзолари касалликларинг тарқалиш даражалари ҳам бир хил эмас. Финляндияда мактаб ёшидаги болаларда 2,5%, Данияда -3,6%, Нигерияда -13,6%, Саудия Арабистонида – 13%, Египетда – 20,9%, Яманда – 10,6% ни ташкил қилган ва бу ҳолатларнинг асосий сабабларидан бири экссудатив ўрта отит ҳисобланади. Россияда қўлоқ битишининг I-II-даражаси болалар боғчаларидаги 2-7 ёшдаги болаларда 35, % ни ташкил қилган. Бу ерда ҳам ҳолатнинг асосий сабаби экссудатив ўрта отит ҳисобланган (30,2%). Муаллифнинг 2022 йилда ўрганган тахлилларига қараганда, ўрганилган 183 нафар мактаб ўқувчиларда ўтказилган аудиологикскринингда 23% болаларда эшитишда меъёрдан оғишлар кузатилган. Уларнинг 19,7%ида эшитиш тизимида касалликлар аниқланган ва уларнинг 3,9%ида эшитишда турғун даражада ўзгаришлар аниқланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мактаб ёшидаги болаларда эшитиш аъзолари касалликларини келтириб чиқарувчи тиббий-ижтимоий омиллар мамлакатларда бир хил эмас, қолаверса мазкур масалага ота-оналарнинг муносабатлари ҳам ҳар хил.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига қараганда ирсий эшитишнинг бузилиши 40%, туғма карлик 17% ни ташкил қилади. Санкт-Петербургда ҳар 1000 та болага 3,5 та болада, яъни 0,35% эшитишнинг бузилиши кузатилган. (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига кўра 3% болаларда эшитиш қоблияти йўқотилган, шулардан 0,03% и оғир даражада). Эътиборли жиҳати шундаки, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврдаги болаларда қайд этилган эшитишнинг бузилишлари 2008 йилгача бўлган даврдан 2008 йилдан кейинги даврдаги касалланиш сезиларли даражада юқорилиги қайд этилади. Бу деган болаларнинг ёшлари ўсиши билан эшитиш аъзолари касалликларининг ошиб боради деганидир. (Туфатулин Г.Ш. и б.2021). Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда болаларнинг ўсиш ва ривожланишига, айниқса таълим жараёнларига жиддий салбий таъсир кўрсатади. (Джурабекова А. ва б. 2020).

А.М.Куранский, М.П.Гурьянова ва бошқаларнинг(2023) Россия Федерациясининг Калужск вилояти Боровск туманида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, мактаб ёшидаги болаларнинг электрон рақамли мосламалардан фойдаланишларининг асосий мақсадлари 51,1% и видео кўриш, 61,2% и ота-оналари билан мулоқотда бўлишлари, 58,9% и ўйин ўйнаш, 49,8% и дўстлари билан мулоқот



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

қилиш, 36,6% и маълумотлар олиш, 21,7% и уй вазифаларини бажариш, 19,4% и мусиқа тинглаш, 15,9% и ўқиш, 5,5% и ижтимоий тармоқларга кириш учун фойдаланар эканлар. Атиги 9,7% и электрон мобил воситалардан фойдаланмасликлари аниқланган. Муаллифнинг таъкидлашича юқорида қайд этилган болаларда 29,4% ида ижтимоий тармоқлардан воз кеча олмаслик, 25,6%ида дарсдан узоқлашиш, 24,0% ида кам сайр қилиш, 17,3% ида кўришнинг сусайиши, 15,3% ида жаҳлдорлик, қўзғалувчанликнинг юқорилиги, 7,7% ида спорт билан шуғулланмаслик, 5,8% ида ташвишлилик, 5,8% ида дўстлар билан кам мулоқотда бўлиш, 3,5% ида бўйин қисмида оғриқ, 2,9% ида уйқунинг бузилиши, 1,9% ида бармоқларида оғриқ борлиги кузатилган. Кўриниб турибдики, эшитишнинг бузилиши электрон мосламаларнинг салбий таъсирлари ичида сезиларли ўринни эгаллаши (17,3%) ҳам болаларда эшитиш аъзолари касалликларининг ошиб боришида етакчи омиллардан бири саналади. Айрим маълумотларга қараганда дунё аҳолисининг 1,7% и шовқин сабабли эшитиш қобилиятини йўқотади. Жанубий Кореяда ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда мамлакатда 52% ўсмирлар кулоқчинлардан фойдаланади ва уларнинг 22,6% ида эшитиш қобилияти йўқолиши кузатилган(Хаевон Беон 2020).

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирда Россияда 1,3 млн болалар ва ўсмирлар ҳар хил кўринишдаги эшитиш аъзолари муаммолари билан рўйхатда туради ва улар кўпайиш анъанасига эга эканлиги қайд этилади. Финляндия ва Данияда болаларда кулоқ битишининг тарқалганлиги мос ҳолда 2,5-3,6% ни, худди шу даврда Африка мамлакатларида бу кўрсаткич 20,9% га етганлигини кўриш мумкин. Россиялик тадқиқотчиларнинг берган маълумотларига қараганда кулоқ битиши 17,9% ни, кондуктив кулоқ битиши 15,1% болаларда, шулардан эшитиш аъзоларининг икки томонлама зарарланиши 12,5% ни, бир томонламаси эса 2,6% ни, жумладан сенсоневрал кулоқ битиши 2,7% ни, жумладан унинг икки томонлама кўриниши эса 1,8% ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Луганск ва Донецк Демократик Республикаларидан эвакуация қилинган 398 нафар болаларда эшитиш аъзолари текширилганда уларнинг 8,3% ида эшитишнинг пасайиши аниқланган(Левин С.В., и др. 2023). С.С.Чибисова, Т.Г.Маркова ва б.ларнинг(2018) берган маълумотларига қараганда турғун даражадаги туғма ва нутқгача кулоқ битиши 2016 йилда Россия Федерациясида ҳар 1000 нафар янги туғилган чақалокга 2,5 тани ташкил қилган. Унинг энг паст даражаси бир ёшгача бўлган болалар ичида ҳар 1000 та болага 0,7 билан Жанубий Федерал Округда, юқори даражаси эса 4,4 та билан Сибирь Федерал Округида кузатилган. Аммо, унинг энг юқори даражаси ҳар 1000 та болага Калужск вилоятида 17,4 га тенг бўлганлиги қайд этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотларига қараганда сенсоневраль кулоқ битиши бу ер юзида асосан катта ёшдаги аҳолининг ижтимоий муаммолари қаторида туради. Эшитиш билан боғлиқ муаммолар ер шари аҳолисининг 4-6% ини ташкил қилади. Эшитишда бузилишлар 14% 45-64 ёшдагиларда, 30% 65 ва ундан катталарда мавжуд. 2002 йилги маълумотга қараганда (ЖССТ) Ер қурраси аҳолисининг 4,2% ида эшитишда муаммоси мавжуд(яъни 250 млн аҳоли)(Петров Н.Н. 2010).

М.Е.Загорянская, М.Г.Румянцеваларнинг (2011) илмий таҳлил материаллари шуни кўрсатадики, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлардан туғилган болалар орасида туғма карлик икки баробар кўп учрайди. Эътиборли жиҳати шундаки, 57,3% болалардаги кулоқ битишлари ўрта ўткир отит ва кейинчалик ривожланган экссудатив ва сурункали йирингли отитдан кейинги қайд этилган. Мазкур кўрсаткичлар 1988 йилда -16,5%, 1988 йилда -12%, 1999 йилда – 14,8% ва 2001 йилда 14,8%ни ташкил қилган. Муаллифнинг хулосасига кўра 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар орасида касалликнинг кеч ташхисланишининг асосий сабабларидан бири бу беморларнинг ихтисослашган мутахассисларга мурожаатлари асосида амалга оширилиши ҳисобланади. Қолаверса бу жиддий масалага ота-оналарнинг эътиборсизликлари саналади. Яна эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, касаллик билан айниқса 2-3 ёшли болалар орасида ўсиш хусусиятига эга эканлиги таъкидланади. Буюк



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Британиялик олим, профессор Б.Шилда ўзининг махсус тадқиқотида ҳар бир одамдаги эшитишнинг бузилиши сабабли йўқотиладиган иқтисодий зарарни ўрганиш натижалари шуни кўрсатганки, биринчи гуруҳга 25-40 дБ га енгил формада йўқотганлар 13% ни ташкил қилиб бу жамиятга 2200 еврога, ўрта иккинчи гуруҳга қирувчилар 40-80 дБ га йўқотганлар 2,5%ни ташкил қилиб, уларга 6600 еврога ва учинчи гуруҳга қирувчи чуқур даражада эшитишни йўқотганлар 0,5% ни ташкил қилиб жамиятга ҳар бири учун 11000 еврога тўғри келиши аниқланган. Муаллифнинг хулосасига қараганда Европа жами мазкур жараён учун йилига 213 млрд евро, аниқроғи ҳар бир катта ёшли аҳоли учун ўртача 473 евро сарфланишини аниқлаган (Речицкий И.В., Мохамед Файтарон 2007). Болалар орасида эшитиш аъзо касалликлари орасида кўпроқ катта ёшдагиларга хос бўлган бузилишлардан бири бу кулоқдаги шовқин муаммоси саналади. Бу ҳам болаларнинг эшитишида, нутқининг ва руҳий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади (Савенко И.В., Бобошко М.Ю. 2017).

Болаларда кузатиладиган эшитиш аъзоларидаги нуқсонлар билан кузатиладиган кўринишлардан бири бу уларнинг ноаниқ товушларни чиқариб белги беришлари саналади. А.Е.Федотованинг (2011) олиб борган илмий кузатувларидан шу ҳолат маълум бўлганки, 25% қар болалар, 82% паст эшитувчилар, 86% кохлеар имплант тақувчилар итнинг вовуллашини, мос ҳолда 20,35 ва 43% болалар автомашиналар сигнаolini, 15, 64 ва 86% болалар эшикнинг таққилашини, 18, 71 ва 100% болалар эса мушукнинг миёвлаши каби товушларни чиқарганликлари аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилот экспертларининг берган маълумотларига қараганда бугун дунёда 466 млн дан ортиқ одамларнинг (6,1%) эшитишларида бузилишлар бор. Бу кўрсаткич Россияда 13 млн, шундан 1 млн ҳолат болаларга тўғри келади. Янги туғилган чақолоқларда ўтказилган аудиологик скрининг натижаларига қараганда ҳар 1000 нафар туғилган чақолоқдан 1 нафари қарлик билан дунёга келиши аниқланган. Биринчи йил ҳаётида яна 2-3 та бола эшитиш қобилятини йўқотади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг истиқболда белгиланганча 2050 йилга бориб бу даража 900 млн га етиши айтилмоқда (Пашков А.В.и др. 2020). И.Ю.Маринин, Д.Д.Гасановаларнинг (2024) таъкидлашларича, мактаб ёшидаги болаларда эшитиш аъзоларининг пасайишига мактабларнинг ташқи муҳит шовқинлари юқори жойларга нотўғри режалар асосида қурилиши, қаватлар орасидаги зичликнинг етарли даражада шовқин ўтказмайдиган қурилиш материаллари билан мустаҳкамланмаслиги ва эшик-ойналарнинг гипс ёпилмаслик ҳолатлари ҳам салбий таъсир қилишлари алоҳида таъкидланади. Д.С.Юрєва ва б. (2017) ларнинг илмий фикрларича ижтимоий регистр маълумотлари бўйича 2015 йилда Санкт-Петербургда 668 минг нафар ногиронлардан 14,5 мингдан ортиғини (2,2%) болалар ташкил қилиб, унинг 17,5 минг нафари (2,6%) эшитиш муаммоси бўйича ногирон бўлганлар, жумладан уларнинг 700 нафарини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этган. Касалликларнинг анамнезларини ўрганишлар шуни кўрсатганки, 44% эшитиши бузилган болалар 29-35 ёшдаги оналардан туғилган, эътиборли жиҳати 35% эшитишида муаммо бўлган болалар биринчи туғилишлардан дунёга келган болалар бўлган. Г.С.Хайдарова, Д.А.Шукуров хулосаларига кўра янги туғилган чақолоқларда 10% эшитишдаги муаммоларининг асосий сабаблари хомила ичидаги инфекция таъсирида юзага келади. Булар ТОРЧ-инфекциялар, (токсоплазмозлар, цитомегаловируслар, герпес вируслар) 19% ни ташкил қилади. Қайд қилинган инфекциялар қон орқали танани айланиб токсин ишлаб чиқаради ва хомиладорлик вақтида хомиланинг барча орган ва аъзоларига, марказий асаб тизими жумладан эшитишни таъминловчи n. Vestibulokochlearisга ҳам салбий таъсир қилиши таъкидланади. Муаллифнинг таъкидлашичи 32,7% хомиладор аёлларда герпес вируси, 13,5% аёлларда цитомегаловируси аниқланган. Шунинг учун отоакустик эмиссия усули янги туғилган чақолоқларда скрининг сифатида ишончли ва амалий мураккаб бўлмаган амалиётда кенг қўлланилиши мумкин бўлган усуллардан бири саналади. Эътиборимизни ўзига тортган С.С. Чибисова, Т.Г.Маркова ва б.ларнинг (2018) илмий



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

хулосалари бўлди. Бир ёшгача бўлган болалар ичида кулоқ битиши ҳар 1000 нафар болага 2,5 га тенг бўлган. 2012 йилда туғилган 0-4 ёшли 405 нафар бола ўрганилганда 276 болада турғун нутқгача туғма кулоқ битиши кузатилган. Шулардан 88% ида икки томонлама, 84% ида сенсоневраль, 58% ида генетик сабаблар билан, жумлада чала туғилганлар орасида 70% турғун даражадаги кулоқ битишлари кузатилган.

Кейинги пайтларда кўпроқ ишлаб чиқаришда ҳам, болалар орасида ҳам шовқинлар сабабли эшитишнинг йўқолаётганлиги айтилмоқда. П.Э.Брукхаузер ва б.ларнинг(1992) илмий ўрганишлар натижаларига қараганда, ўрганилган 114 нафар болаларда (93% ўғил болалар) ўтказилган аудиометрик ўрганиш маълумотлари бўйича шовқин сабабли бир томонлама эшитишни йўқотган болалар 42 нафарни ташкил қилган, қолган 72 нафарида ҳар хил даражада эшитишни йўқотиш иккинчи қулоғида кузатилган. Уларнинг ўртача ёшлари 12,7 ёшни ташкил қилган, эътиборлиси шундаки, мурожаат қилганларнинг 26%и 10 ёш ва ундан кичикларни ташкил қилганлиги аниқланган. Е.Е.Савельева ва б. ларнинг (2012) илмий хулосалари шуни кўрсатадики, болаларда эшитиш нутқ ривожланиши улардаги кулоқ битиши ва карликларни ўз вақтида аниқлашга, даволашга ҳамда кейинги реабилитация тадбирларига, шунингдек уларга кўрсатиладиган сурдопедагогик ёрдам даражасига бевосита боғлиқ.

Хулосалар

1. Болалар орасида эшитиш аъзолари касалликлари, кулоқ битишлари, карлик ҳолатлари ўрганилган адабиётларда келтирилган илмий маълумотлар ва хулосаларга қараганда, унинг тарқалганлик даражаси нисбатан юқори ва кўпайиш анъанасига эга.
2. Болалар орасида эшитиш аъзолари касалликларининг юзага келишидаги асосий омиллардан биринчи галда яқин қариндошлар орасидаги турмуш қуришлар, аёлларнинг ҳомиладорлик давридаги бошдан кечирган касалликлари, мактабгача ва мактаб даврида кузатиладиган оиладаги ва атрофдаги шовқинлар, болаларнинг бошдан кечирган айниқса вирусли инфекциялар келтириб чиқарадиган касалликлар ва уларни ўз вақтида самарали даволамасликлари саналади.
3. Эшитиш аъзолари касалликларига чалинган болалардаги нутқ, ақлий, жисмоний ва рухий ривожланишлар биринчи навбатда болаларда касалликларни эрта, айниқса чақалоқлик даврларида аниқлаш, ўз вақтида малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, кейинги реабилитация ва уларга кўрсатиладиган сурдопедагогик ёрдамнинг ташкил этилиш даражасига боғлиқ.
4. Болалар орасида эшитиш аъзолари касалликларининг кенг тарқалиши ва унинг кейинги даврларда ошиб бориши, йўналишда чуқур тиббий-ижтимоий, профилактик ва клиник йўналишларда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев И. К. Строгое соблюдение здорового образа жизни-самый действенный критерий сохранения и укрепления здоровья //Высшая школа: научные исследования. – 2023. – С. 119-125.
2. Абдуллаев И. К. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини бошқарувчи малакали менежерларни тайёрлаш тизимининг келажакдаги истиқболлари //South aral sea medical journal. – 2025. – Т. 1. – №. Maxsus son. – С. 173-176.
3. Джурабекова А. ва б. Самарканд вилояти болаларида нейросенсор эшитиш қобилияти бузилишнинг сткутуравий сабаблари ва тарқалиши //Ресерсх Паркс Публисҳинг (ИДЭАС Лаб) www.ресерсхпаркс.org, 2020/-П 5-7.
4. Загорянская М.Е., Румянцева М.Г. Уровни профилактики развития тугоухости и глухоты у детей // Вятский медицинский вестник, 2008.-№2.-С. 68-70.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

5. Загорянская М.Е., Румянцева М.Г. Эпидемиологический подход к профилактике и лечению нарушуний слуха у детей // Российская оториноларингология, 2011.- №2(51).-С.82-87.
6. Королева И.В. Дети с нарушениями слуха с условиях инклюзии.-Санкт-Перербург: КАРО, 2020.
7. Куганский А.М., Гурьянова и др. Медицинские и социально-педагогические риски использования детьми младшего школьного возраста цифровых устройств: эмпирическое исследование // Вестник РУДН. Серия: Психология и педагогика, 2023,Т.-20.- №3.-С501-525.
8. Левин С.В., Гребенюк И.Э. и др. Состояние слуховой функции у дедей – воспитанников детских домов, эвакуированнх из зонк военнх действии // Российская оториноларингология, 2023.-22;1(122).-С.35-39.
9. Машинин И.Ю., Гасанова Д.Д. Влияние шума на участников образовательного процесса // Международнй научно-исследовательский журнал, 2024.-№7 (145).-С.1-4.
10. Милушкина).Ю., Попов В.И. и др. длительность использования мобильных электронных устройств с научниками учащимися как современный фактор риска состоянию их органа слуха//Современные проблемы здравоохранения и медицинской статистики,2021.- №3.-С.77-90.
11. Мирхайдаров З.М., и др. Распространенность патологии органа слуха среди учащихся начальных классов г. Уфы //
12. Мурадова М.М. Кулок оғриги сабаблари ва уларни бартараф этиш // Ориентал Ренаисанст: Лнноваативе, эдусатионал, нфтурал анд сосиал ссиенсц, 2023.-№3(4/2).-П.777-782.
13. Нуров У.И., Файзиев С.Ш. Актуальность ранней диагностики кондуктивного нарушения слуха//Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси, 2024.-№6(12).-3-8 б.
14. Пашков А.В., Намазова-Баранова Л.С. и др. Влияние тугоухости на образовательный процесс у детей и подростков // Вопросы современной педиатрии, 2020.-Том 19.-№4.-С.272-278.
15. Речицкий И.В., Мохамад Файтарон Профилактика нарушуний слуховой функции // Наука и школа, 2011.-№1.-С.129-132.
16. Савенко И.В., Бобошко М.Ю. Шум в ушах у детей: Миф или реальность? // Педиатрические аспектк оториноларингологии, 2018.-№97 (5).-С.176-178.
17. Сапожников Я.М., Минасян В.С. и др. Нарушения речи у детей раннего возраста со снижением слуха после перенесенного острого отита// Вестник РГМУ, 2001 .-№1.-С. 16-20.
18. Туфатулин Г.Ш., Королева И.В. и др. Эпидемиология нарушения слуха у детей: распространенность, структура, аспекты слухопротезирования и социальные факторы// Вестник оториноларингологии, 2021.-Т.-86.-№3.-С.2835.
19. Туфатулин Г.Ш., Королева И.В. Одномоментное исследование состояния слуха у учаўихся начальнх классов в массовой и коррекционной школах//Российский педиатрический журнал, 2022.-№3(3).-С.441-447
20. Федотова А.Е. Возможности слухового воприятия неречевых звучаний детей младшего школьного возраста, имеющих нарушения слуха // Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева, 2011.-№1(69).-Ч.1.-С.203-207.
21. Хасанова Ш. М., Абдуллаев И. К. Тарбия–жамиятда юксак шахс ва мамлакатимизда учинчи ренессанс бунёдкорини шакклантиришнинг маънавий асоси //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. Special Issue 2. – С. 172-176.
22. Чибисова С.С., Маркова Т.Г. и др. Эпидемиология нарушений слуха среди детей 1-го года жизни // Вестник оториноларингологии, 2018.-№4.-С.37-43.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

23. Чибисова С.С., Альшарджаби и др. Распространенность нарушений слуха у школьников: популяционное исследование и глобальные оценки // Медицинский совет, 2022.- №16 (18).-с.107-112.

24. Юрьева Д.С., Пальчик А.Б. и др. Закономерности психомоторного развития у детей с тугоухостью // Педиатр, 2017.-Том 8.-выпуск 1.-С.67-73.

25. Ashib Harvez and oth. Prevalence of hearing impairment among primary school children in rural and urban areas of Aligarh, Uttar Pradesh , India// International Journal of Community Medicine and Public Health, 2016.-Vol3.-Lssue 5/-П1273- 1277/Beon Medicine, 2021.-100/-№3.-П. 1-7.

